

## БОЛА ТАРБИЯСИДА ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИКАНИ ЎРНИ.

Н.Бахриддинова<sup>1</sup>,

Эшонқулова Хусния<sup>2</sup>

ЖДПУ тютори<sup>1</sup>,

Талаба 522-21 гуруҳ талабаси<sup>2</sup>.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7262713>

### Annotatsiya

Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот ё нажот ё ҳалокат ё саодат ё фалокат.

**Абдулла Авлоний.**

**Kalit so'zlar:** ижтимоий педагогика, педагогика, таълим тарбия, ижтимоийлашув, бола, имкониятлар.

Ижтимоий педагогика нима, қандай фан, нимани ўрганади, бола тарбиясида ўрни қандай шу каби саволларга жавоблар беришимиз лозим. Ижтимоий педагогика ижтимоий муҳитнинг шахсни шакллантиришга ва ижтимоий тарбия муамоларига таъсир қонунятларини кўрсатувчи фандир.

Ижтимоий педагогик фаолият ва ижтимоий таълим. Ижтимоийлашув жараёнида бола жамият, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий мақом, ижтимоий хулқ-атворнинг меъёр ва қоидалари ҳақидаги турли билимларни, жамиятга куникишига ёрдам берувчи турли кўникма ва малакаларни ўзлаштиради. Бу жараён, айниқса, болаликда жуда жадал суръатлар билан амалга ошади. Маълумки, бола беш ёшгача унинг кейинги ҳаётида уз аксини топувчи ниҳоятда кўп билимларни олади. Ижтимоий педагогикани асосий вазифаси бола ва болаликни ҳимоя қилишдир. Унинг туб замирида таълим тарбия ижтимоийлашуви ётади. Бола ижтимоийлашувининг ажралиб турувчи хусусияти, унинг жамият илгари сураётган юриш-туриш меъёрларига баҳо бериши ва назорат қилишининг қийинлигидадир. У буларни фақат ўзлаштириб боради, шунинг учун қам бола шахсининг ижтимоийлашув жараёнида ота-оналар, қариндошлар, улар билан ишлаётган мутахассисларнинг (психолог, шифокор, педагог ва шу кабилар) таъсири катта булиб, болаларни ҳаётда зарур ижтимоий билимларни эртaroқ ва яхшироқ, ўзлаштиришлари, уларни ҳаётда қўллашга интилишлари айнан уларга боғлиқдир. Бунинг ижтимоий педагогика билан боғлиқлиги шундаки, мактаб ёки бошқа таълим муассасида таълим олиш жараёнида бола, аввало, академик билимларни ўзлаштиради. Бироқ шу билан бир вақтда унда муайян тизимлашган ижтимоий билим, кўникма ва малакалар шаклланади. Бу билим, кўникма ва малакалар ижтимоийлашув жараёнида — болага махсус ёрдам керак бўлганда — жуда зарур булади. Боланинг ижтимоийлашувига ёрдам берадиган ижтимоий билимларни унга етказиш, ижтимоий куникма ва малакаларни шакллантириш жараёни ижтимоий таълим деилади.

Тарбия ва ижтимоий тарбия. Тарбия педагогиканингасосий объекти сифатида педагогиканинг ривожланиши тарихи мобайнида олимларнинг диққат марказида булиб келган. Шу билан бирга “тарбия” тушунчасининг мазмуни амалий ахамиятга эга. Чунки бу тушунча педагогик фаолиятнинг вазифа ва мақсадларига асосий ёндашувларни белгилайди. Тарбия биз учун энг олий неъматдир. Ўсиб келаётган ёшларимиз учун тарбия жуда катта рўл ўйнайди.

Биз келгуси ишларимизда ҳар томонлама мукамал етук комил шахсларни кутаётган бўлсак авваламбор, ёшларимизнинг таълим тарбиясига, ахлоқига, ётибор беришимиз даркор.

Хулоса қилиб айтганда шуни такидлаш жоизки: ёшларимизнинг тарбиясига бутун жамият маъсулдир.

Шу ўринда бола тарбиясида педагогларимизнинг ҳам ўрни беқиёсдир.

Бола тарбиясида ижтимоий педагогикани ўрни ҳам муҳим саналади. Дарҳақиқат ижтимоий педагогика педагогика сингари таълим тарбия жараёни ва ходисаларни ўрганади. Аммо шуни айтиб ўтиш жоиз уларни муайян ўзига хос йўналишда ўрганади.

Чунки бу фаннинг ўзига хос жиҳати шундан иборат: бу фанда тўйимий тўдеган сўз мавжуд.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики педагогика ўсиб келаётган ёш авлодларнинг таълим тарбияси ҳақида фан бўлса, ижтимоий педагогика таълим тарбия жараёнларида боланинг жамиятдаги ҳаётга қўшилишига боғлиқ қонуниятларни ўрганади.

Бу ўринда боланинг жамиятга кириш жараёни унинг бирон муайян ижтимоий тажрибани қўлга киритиш (билим, қадрият, ўзини қандай тутиши, юриш туриши) билан боғлиқ жараёндир.

Бундай ходисаларни ижтимоийлашув дейилади.

Биз бола тарбиясида педагогика ҳамда ижтимоий педагогикани таққослаб кўрсак икки фаннинг ҳам объекти бола бироқ, ўрганиш предмети турличадир.

Педагогнинг ўрганиш предмети болани тарбиялаш бўлса ижтимоий педагогикани предмети эса ўзининг номи билан кўрсатилиб турган ижтимоийлаштиришдир.

Шу туфайли ижтимоий педагогика жамиятни ва ижтимоий муносабатларни ўрганади. Инсонлар бир бирлари билан қандай муносабатда бўлиши, нима учун ижтимоийлашуви нима сабабдан бир гуруҳга қўшилиши шулар жумласидандир.

Бугунги кунга келиб ижтимоий педагогика алоҳида мустақил фан сифатида фаолият юритмоқда. Ҳозирги давр талаби бола тарбиясида замонавий таълим тарбияни қўллашдир.

Замонавий ижтимоий педагогика фанимиз ҳам таълим тарбия жараёнида болага қаттиққўллик эмас балки боланинг ҳам

фикирларини, ғояларини инобатга олган ҳолда меҳрибонлик билан тарбиялашдир.

Ваҳоланки таълим тарбиянинг ўзи ижтимоий ҳодиса педагогик жараён дир.

Ижтимоий педагогика ёшларимизнинг онгидаги бўшлиқни салбий фикирларни бартараф этишга ҳизмат қилади.

Жумладан: бир инсоннинг шахсий таълим тарбияси ижтимоий муҳит тасирида ривожланади. ижтимоий педагогика жамиятдаги ҳуқуқбузарлик, онгсизлик, Фоҳишабозлик, ахлоқсизликнинг олдини олади. Ёшларнинг онгидаги бўшлиқни тўлдиради, ёшларни яхшиликка, адолатга, яқинларга бўлган ижодга муҳаббатга чорлайди.

Инқироздан мустақил чиқиб кетиш келгуси ишларига мақсад қўйиш ўзига ишончни ошириш жамиятдаги шахсларга тенгдошларига қўшилиш каби ҳодисаларга педагогик фани ундайди. Маълумки бола беш ёшгача унинг кейинги ҳаётига акс этувчи кўп билимларни эгаллайди. Болаларда ижтимоийлашувнинг ажралиб турувчи хусусияти шуки, болалар жамиятда илгари сурилаётган юриш туриш меёрларига баҳо бериш иа назорат қилиш қийин. Улар фақат кузатиб ўзлаштириб боради холос. Бола тарбияси билан ижтимоий педагогикани боғлиқлиги шундан иборат: бола таълим олиш жараёнида аввало академик билимларни ўзлаштиради. Бироқ шу билан бир пайтда у муайян тизимлашган ижтимоий билимларга ҳам эга бўлади. Бу билим кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга махсус ёрдам керак. Бундай ёрдам ижтимоий таълим дейилади.

Ижтимоий педагогиканинг мақсад вазифалари кенгдир. Юқорида кўриб чиқганимиз каби ижтимоий педагогика бола тарбиясида ўрни беқиёсдир.

Бунга қўшимча қилиб бир қатор фикирларни айтиб ўтиш лозим ижтимоий педагогика боланинг ижтимоийлашувини, унинг жамиятдаги тутаётган ўрнини, жамиятдаги шахслар, ота оналар, тенгқурлари билан бўлаётган муомаласини ўрганади. Боланинг ривожланишида салбий ёки ижобий муамолар бўладиган бўлса уларни бартараф этишга ижтимоий педагогика фани ўз аксини кўрсатади.

Бу фаолиятнинг барчаси ривожланиб келаётган ёшларимизнинг доимий камол топишидир.

Юқоридагиларни хулоса қилиб айтиш жоизки: боланинг тарбиясида ижтимоий педагогиканинг ўрни аҳамиятлидир. Нафақат ижтимоий педагогика балки, барча фанларнинг ҳам алоқаси сезирарлидир.

Дарҳақиқат давлатимизда бўлаётган қанчадан қанча ўзгаришлар имкониятлар яққол кўзга ташланади. Бундай шарт шароитларнинг ҳаммаси ривожланиб ўсиб келаётган ёшларимиз учун.

Биз ёшлар бугунги кунда мана шундай имкониятларга муносиб фарзанд бўлайлик.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Социальная педагогика. Курс лекций. Под ред. М. А. Галагузовой. — М.: ВЛАДОС, 2003.
2. Мудрик А. В. Социальная педагогика—М.: Академия, 2003
3. Подласый И.П. Педагогика: Новый курс. — М.. ВЛАДОС.— Кн. 2.